

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.04.2021.Т.106.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛҲАЕВ АБДУРАҲИМ БОТИРЖОН ЎҒЛИ

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА ҚУРУҚ СУРКОВ
КОМПОЗИТНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ**

**02.00.13-Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар
технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абдулхаев Абдурахим Ботиржон ўғли

Маҳаллий хомашёлар асосида куруқ сурков

композитни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш..... 3

Абдулхаев Абдурахим Ботиржон угли

Производства сухого смазочного композита

на основе местного сырья.....21

Abdulhaev Abdurahim Botirjon o'g'li

Production of dry lubricating composite based

on local raw materials 39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.04.2021.Т.106.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛҲАЕВ АБДУРАҲИМ БОТИРЖОН ЎҒЛИ

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА ҚУРУҚ СУРКОВ
КОМПОЗИТНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ**

**02.00.13-Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар
технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/T2995 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.ionx.uz va «ZiyoNet» ахборот таълим тармоғига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Долиев Ғолибжон Алишерович
кимё фанлари (PhD) д, доцент

Расмий оппонентлар:

Алимов Умарбек Кадирбегенович
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Ахмадалиев Муҳаммаджон Ахмадалиевич
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети.

Диссертация химояси Фарғона политехника институти ҳузуридаги DSc.03/30.04.2021.T.106.04 рақамли Илмий кенгашининг 11 август 2022 йил соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 150107, Фарғона шаҳри, Фарғона кўчаси, 86. Тел.: (+99873) 241-12-06; факс: (+99873) 241-12-06; e-mail: ferpi_info@edu.uz).

Диссертация билан Фарғона политехника институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____) рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 150107, Фарғона шаҳри, Фарғона кўчаси, 86. Тел.: (+99873) 241-12-06; факс: (+99873) 241-12-06; e-mail: ferpi_info@edu.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «____» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «____» _____даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Хамдамова Ш.Ш.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, доцент

Назирова Р.М.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби,
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Тожиёв Р.Р.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда курилиш саноатининг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш ҳамда курилиш саноатини янги, сифатли маҳсулотлари билан таъминлаш асосий вазифалардан биридир. Шу ўринда, курилиш маҳсулотлари арзон ва табиий ресурслардан тайёр ҳолатга келиши асосий омиллардан бири ҳисобланади. Курилиш материалларининг асосий қисми бўлган металлларга турли хил ўлчам бериш, шунингдек, пўлат симларнинг таркиби, юзасида бўладиган механик таъсирларни чуқурроқ ўрганиш зарурдир. Шу боис, металлларни чўзиш ва ишлов беришда курук сурков композит (ҚСК) лардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу йўналишда металлларни чўзиш учун курук сурков композитлари яратиш ва уни маҳаллий хомашёлардан олиш технологиясини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан биридир.

Жаҳонда металлларга ишлов бериш учун ишлатиладиган курук сурков композити олиш ва технологиясини яратиш бўйича бир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, бу борада композитни таркибидаги кальций стеарат ва натрий стеарат тузларини курук сурков композитлар олишда мақбуллаштириш билан, тўлдирувчи маҳсулотларни хилма-хиллигини ошириш, композитни юқори ҳароратга чидамлилигини текшириш, турли шароитларда ишлашга имкон берувчи композитларни олиш, пўлат симларни чўзиш ва ундан турли маҳсулотлар (сим, мих, шуруп) кабиларни олиш учун курук сурков композитни физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш ҳамда металлургия саноатида синовдан ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда ҳозирги кунда пўлат симларни чўзишда ишлатиладиган курук сурков композитини маҳаллий хомашёлардан олиш технологиясини яратиш соҳасида муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йиллар ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «...саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш»¹ га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, жумладан маҳаллий хомашёлардан фойдаланган ҳолда импорт маҳсулотларни ўрини босадиган, сифатли ҳамда арзон пўлат симларга ишлов бериш учун сурков композитларини ишлаб чиқариш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича бешта йўналишдаги Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ҳамда ва 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983 сон «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини кескин ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида», 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони.

янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чоратadbирлари тўғрисида» ги Қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ивожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий-техник адабиётлардан маълумки, пўлат симларни чўзувчи курук сурков композитини олиш технологиясини яратиш бўйича чет эл олимлар (А.А. Труханович, А.А. Леднева, Г.А. Спицына, А.С. Смирнов, Л. М. Гусева, А.М. Должанский, Ю.Б. Сигалов, В.П. Тумбина, В.Я. Чинокалов, С.М. Фаизова, А.П. Грудев, М.Л. Murakawa, М.О. Jin, М.К. Hayashi, К.Р. Rao, J.J. Wei, Sh.E. Kim, G.C. Jang, C.W. Lee, S.T. Kexian, К.У. Tamaoki, К.В. Manabe, Т.С. Aizawa. Япония олимлари S.F. Kataoka, М.Л. Murakawa, S.H. Wakano, Т.Г. Sakane, Y.J. Hirose, N.N. Matsuda, Н.Г. Kawakami, Н.Ф. Sawada, Т.Д. Jitsunari, Т.Р. Matsushita, В.О. Haglund, Р.Н. Enghag, М.Д. Tolazzi, М.С. Meiler, М.С. Merklein, А.Д. Brosius, А.Г. Mousavi, М.Н. Krymsky, Н.К. Miller) нинг, Ўзбек олимларидан, О. Г. Абдуллаев пўлат симларни чўзиш учун курук сурков композитини маҳаллий хомашёлардан олиш технологияси ишлаб чиқган. Лекин, ушбу олинган курук сурков композити юқори ҳароратга бардошли эмас. С.Б. Мамажанов томонидан ўтказилган илмий тадқиқотлари натижасида курук сурков композити олишнинг янги технологиясини ишлаб чиқиш ва ушбу импорт маҳсулотни маҳаллий хомашёлар асосида олишга эришилган. Аммо олинган курук сурков композит таркибида стеаратлар миқдори кўплиги, композитдан фойдаланилганда ҳосил бўладиган иккиламчи қолдиқ миқдорини ошириши аниқланган.

Адабиёт таҳлилларидан маълумки, пўлат симлар чўзиш учун курук сурков композитини турли хил таркибларда ишлатилиши, симларда нуқсонлар ҳосил бўлиши сабабларини аниқлаш борасида илмий-тадқиқот ишларига кўп тўхталиб ўтилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Наманган давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №И-ОТ-2017-7-1 “Маҳаллий хомашё асосида курук сурков композицияларини ишлаб чиқишни йўлга қўйиш” (2017-2019 йй) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий хомашёлар асосида пўлат симларни чўзишда ишлатиладиган курук сурков композитни олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

импорт сурков композитларининг кимёвий таркибини таҳлил қилиш ва

компонентларнинг масса улушларини аниқлаш;

олинган композитлар таркибидаги натрий стеарат ва кальций стеарат тузларини металл юзасига таъсири ва фильерада ишқаланиш кучини камайтириш даражасини аниқлаш;

ҳароратнинг ортишига композит таркибидаги тўлдирувчиларни таъсирини аниқлаш;

маҳаллий хомашёлар асосида композитни олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

янги олинган қуруқ сурков композитни олиш технологияларини ишлаб чиқариш шароитида синовдан ўтказиш ва маҳсулотларнинг тажриба партиясини ишлаб чиқариш ҳамда жараённинг асосий технологик катталикларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Наманган вилоятидаги ишлаб чиқарилаётган пўлат симлар, улар асосидаги маҳсулотлар, натрий ва кальций стеарат тузлари, тальк, каолин, бура, натрий фторид, темир оксиди олинган.

Тадқиқотнинг предмети маҳаллий хомашёлар асосида пўлат симларни чўзишда қўлланиладиган қуруқ сурков композитини олиш технологиясини яратиш ва ҚСҚларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда кимёвий, термоанализатор NETZSCH STA-409 PG, ИҚ спектроскопия, дифференциал сканерлаш калориметри, сканерловчи электрон микроскоп (SEM - EVO MA 10 (Zeiss, Germany)), элемент таҳлили учун (Energy-Dispersive x-ray spectrometer (EDS-Oxford Instrument)) усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сурков композит маҳсулотларининг таркибидаги моддаларни масса улушлари ва мақбул қийматлари аниқланган;

қуруқ сурков композити таркибидаги кальций ва натрий стеаратларнинг мақбул қийматлари орқали металллар сиртига адгезиялик хусусияти аниқланган;

маҳаллий тўлдирувчиларнинг сурков композитини ҳароратга чидамлилиги аниқланган;

маҳаллий хомашёлар асосида янги қуруқ сурков композити синтез қилинган;

қуруқ сурков композитини олишнинг самарадор технологияси ишлаб чиқилган;

янги қуруқ сурков композитини ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ҳисобланган ва технологик схемаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Мунтазам аралаштириб туриш орқали маҳаллий хомашёлар (натрий стеарат ва кальций стеарат тузлари, шунингдек, тўлдирувчи маҳсулотлар: тальк, каолин, бура, натрий фторид, кальций оксид, кальций гидроксид, бор, графит, кальций хлорид) дан импорт ўрнини босувчи янги сурков композит олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Хўжалик совуни таркибидан кальций стеарат тузини олишнинг иқтисодий жиҳатдан самародор эканлиги аниқланган, шунингдек стеаратларнинг композит таркибида қўллашнинг мақбул технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий хулосалар замонавий физик-кимёвий таҳлил натижалари ва тажриба синовлари билан асосланган. Олинган натижалар республика ва халқаро илмий анжуманлардаги муҳокамаларда тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сурков композит маҳсулотларини таркибидаги моддаларни масса улушларини мақбул қийматларини топиш, уларни металлларга адгезиялик даражасини оширишини ўрганиш ва тўлдирувчи маҳсулотлардан фойдаланиш, сурков композитини ҳароратга чидамлилигини ошириш орқали уларни технологиясини яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, республикамизга хорижий мамлакатлардан импорт бўлаётган композитларни ўрнига маҳаллий хомашёлардан қуруқ сурков композитларини олишнинг янги технологиясини ишлаб чиқишга ҳизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий хомашёлар асосида қуруқ сурков композитни ишлаб чиқишни йўлга қўйиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

маҳаллий хомашёлар асосида қуруқ сурков композитни ишлаб чиқиш технологияси Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати корхоналари уюшмасининг “2022-2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати”га киритилган (“Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати корхоналари уюшмасининг 2021 йил 23 декабрдаги 05/15-3116-сон маълумотномаси). Натижада, республикамизда пўлат симларга ишлов берадиган корхоналар учун янги қуруқ сурков композитини олиш имконини беради;

пўлат симларни чўзиш учун янги маҳаллий хомашёлар асосида олинган композитни ишлаб чиқариш технологияси Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати корхоналари уюшмасининг “2022-2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати”га киритилган (“Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати корхоналари уюшмасининг 2021 йил 23 декабрдаги 05/15-3116-сон маълумотномаси). Натижада, импорт қилинаётган маҳсулотдан ҳароратга 190°C дан 310°C бардошлили композит олиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD)

диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги, мақсад ва вазифалари, шунингдек, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот усуллари, объекти ва предмети, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш рўйхати келтирилган, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг ҳажми, тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Пўлат симлар ишлаб чиқариш ва уларни чўзиш усуллари”** деб номланган биринчи бобида, пўлат симларни ишлаб чиқариш, чўзиш усуллари ҳамда куруқ сурков композит турлари ва олиш усуллари дунё олимлари томонидан таклиф этилган технология бўйича таҳлилий маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Сурков композит маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг технологик усуллари”** деб номланган иккинчи бобида, пўлат симларга ишлов беришда фойдаланиладиган куруқ сурков композитни таркибига кирувчи стеаратлар ва тўлдирувчи хомашёлардан, янги технология асосида синтез қилиш бўйича маълумотлар келтирилган.

Сурков композитини олишнинг бир неча усули бўлиб, аввало, унинг таркибидаги органик тузлар синтез қилинди. Кальций стеарат тузини синтези учун техник $\text{CaCl}_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ (98%), ва маҳаллий хўжалик совунини қурутиб тайёрланган натрий стеаратдан фойдаланилди.

Синтез жараёнида 5,00 г натрий стеаратни 200 мл дистирланган сувда эритиб суспензияси олинади. Кальций стеарат синтез қилинадиган идишдаги сувнинг ҳарорати 75°C да бўлиши керак. Чунки натрий стеарат совуқ сувда кам эрийди. Кальций хлоридни 100 мл сувда 30°C эритилади ва кальций стеарат синтез қилинадиган идишга аввал натрий стеаратни сўнгра кальций хлоридни қўшиб 75°C температурани ушлаб турган ҳолда 30 дақиқа давомида аралаштирилади. Ҳосил бўлган кальций стеаратни Бюхнер воронкасида филтрлаб олинади. Бунда реакцияда ҳосил бўладиган қўшимча натрий хлоридни декантациялаш йўли билан кальций стеарат тозалаб олинади. Олинган кальций стеаратни қуритиш шкафида қуритилади.

Стеарин кислота тўйинган бир асосли ёғ кислотаси бўлиб, $\text{CH}_3-(\text{CH}_2)_{16}-\text{COH}$ ($\text{C}_{17}\text{H}_{35}\text{COOH}$) таркибга эга. Стеарин кислота саноатда асосан ёғларни

гидролизлаб олинади. Стеарин кислота мойсимон, хона ҳароратида қаттиқ ҳолда бўлади.

Пўлат симлар ишлаб чиқариш саноатида симларни тайёрлаш жараёнида диаметри каттароқ бўлган пўлат симни чўзиш йўли билан диаметри кичикроқ бўлган пўлат симлар тайёрланади.

Янги куруқ сурков композитининг таркиби Хитой импорт маҳсулотидан фарқ қилган ҳолда маҳаллий хомашёлар асосида олинган. Ушбу композитни таркибидаги моддаларнинг миқдорий таркиби массасига нисбатан қуйидаги фоизларда олинди: кальций стеарат 13%, совун 35%, бура 4%, тальк 20%, оҳак кукуни (СаО) 20, калий фторид 8% ни ташкил этади.

1-жадвал

Олинган кальций стеаратни стандартларига мослиги

№	Талаблари	Спецификацияси	Лабораторияда олинган
1	Қолдиқ, %:	10,47	9,17
2	Ранги	Оқ	Оқ
3	Намлиқ миқдори, %:	2,25	2,4
4	Эркин ёғ кислотаси миқдори, %:	0,79	0,70
5	Тўр билан элакдан ўтказишда қолдиқнинг масса улуши, %:	0,00	0,00
6	Сақлаш хавфи ҳақида	Ёнувчан эмас	Ёнувчан эмас
7	Эриш ҳарорати (°С)	130	125
8	Сувда эрувчанлиги (г/100 г):	эримайди	Эримайди
9	Этанолда эрувчанлиги :	эрийди	Эрийди

Ушбу моддаларни юртимиздаги захира миқдорлари етарли ҳисобланади ва фойдаланилган органик тузлар эса синтез усули билан олинади.



1-Расм. Иккиламчи маҳсулот




-Расм. Чўзилган симларда ҳосил бўлган нуқсонлар

Композитни олиниш усули дастлабки технология асосида биринчи бўлиб, кальций стеарат ва натрий стеарат тузларни 170°C да эрунгунча 25 дақиқа давомида қиздирилади. Сўнгда ноорганик тузлар қўшилади ва 45 дақиқа давомида монолит ҳосил булгунга қадар аралаштирилади. Олинган монолитни майдалаб кукун холига келтирилади. металлларни чўзиш вақтида фибрерадан чиқаётган 180°C да керакси 20% гача иккиламчи маҳсулот ҳосил қилади (1.1-расм) ва чўзилган симларда ҳар ҳил нуқсонлар пайдо бўлиши кузатилади. Натижада симлар мўртлашиб узилишга олиб келади (1 а-расм).

Ушбу муаммоларни бартараф этиш учун импорт маҳсулотларни таркибини ва олиш технологиясини қайтадан такомиллиштирилди.

Композит таркибидаги органик тузларни масса улушини камайтирилди ва унинг вазифасини бажарадиган қўшимчалар миқдорини стабиллаштириш орқали янги композит олинади.



3-расм. Композит олиш технологик схемаси.

Олинган янги композитни таркибини кальций стеарат 10 %, натрий стеарат 10%, бура 10%, тальк 30%, каолин 10%, темир (III) оксиди 5%, натрий фторид 10% ва натрий сульфат 10% ни ташкил қилди.



4-расм. Янги композитнинг симларга адгезиялиги




5-расм. Чўзилган пўлат симларни коррозияси коррозияга чидамлилиги

Олинган композитни янги технологиялар асосида синтез қилинди. Унга кўра дастлабки технологияга ўзгартиришлар киритилади (3-расм).

Янги технологияни дастлабки, технологиядан фарқи шундаки, компонентларни қиздириш ва кетма кетлиги бир-биридан фарқ қилади. Ноорганик тўлдирувчилар реакторга керакли массада тортиб олинганидан сўнг, 165°C да 30 дақиқа давомида қиздиради. Органик тузлар қизиб турган тузларга дақиқасига 3 грамдан кўшилади ва аралаштириб турилади. Органик тузлар кўшилиши туганидан сўнг, 20 дақиқа давомида қиздирилади ва олинган композит кукун холигача майдаланади.

Сурков композитининг энг асосий параметри бу унинг пўлат сим сиртига адгезиялик хусусиятидир. Бунни текшириш учун кукун ҳолида олинган маҳсулот яъни сурков композитига сирти 3 фоизли сульфат кислота билан тозаланган ва қуритилган пўлат сим тушириб ботирилди.



6-расм. Пўлат сини фильерадан ўтиши

Натижада, кукун ҳолидаги маҳсулот пўлат сим юзасига юпқа қатлам ҳосил қилган ҳолда ёпишиши кўзатилади. Янги сурков композити орқали чўзилган пўлат симлар 72 соат вақт очик ҳавода сақланган вақтда металл юзаси коррозияга учрамаслиги талаб этилади. Унга кўра, коррозияга чидамлилигини синовдан ўтказилди. Яъни Хитой импорт ва янги композитлар орқали чўзилган пўлат симларни нам хавода 120 соат сақланди (5-расм). Ушбу технология асосида олинган янги композит металлларни қайта ишлаш заводлар “Давр металл” ва “Тригон Теч” МЧЖ ларда синовдан ўтказилди.

Металлургия саноатида пўлат симларни қуруқ чўзиш учун сим совундондаги сурков композит орқали ўтиб фильерадан диаметри кичрайиб ўровчи барабанга ўралади.

Пўлат симларни чўзиш жараёнида қуруқ сурков композитларига қўйиладиган талаб қуйидагилардан иборат: ёғлилиги, ишқорийлиги, сурков композитни металл сим юзасига адгезияси, намлик миқдори, қуруқ сурков композитни сарфи, қолдиқ миқдори ва қайта ишлатилиш коэффиценти аниқланади ва шу асосида механик хоссалари текширилади.

Ушбу янги композитнинг ҳароратга бардошлиги импорт композитлардан юқорилиги аниқланди. 2-жадвалда натижалар асосланиб, 170°C да деярли композит эримаслиги аниқлади.

Фильерадан ўтиш вақтида иссиқлик 150-180°C бўлганида композитлар адгезиялиги ва ишқаланиш кучини камайтириш хусусиятлари камаяди. Ушбу ҳолатда композитни эриш иссиқлиги паст ҳароратда бўлиши симларни чўзилишига салбий таъсир кўрсатади.

2-жадвал

Олинган янги композитларни импорт маҳсулотлар билан физик хоссалари

№	Маҳсулот	Юқори температура суюқланиш даражаси, %			Ранги
		170°C	200°C	240°C	
1	Импорт маҳсулот Россия	15 %	60 %	100 %	Кулранг
2	Импорт маҳсулот Хитой	20 %	67 %	100 %	Оч кулранг
3	Янги намуна	3 %	12 %	40 %	Оч қизил

Олинадиган янги намунани эриш ҳарорати 250°C дан юқорилиги ушбу масалани ечишга имкон беради. Фильера қутисида эриш ҳарорати паст композитларини 20% гача бўлган қисми кераксиз чиқинди ҳосил қилади.

Олинган янги намунани аввалги намуналардан фарқли томони шундаки, иккинчи усулда олинган композит ҳосил бўлишида монолит, яъни қаттиқ қотишма ҳосил қилмайди ва шу сабабли композитнинг донадорлиги осон майдаланувчан бўлади.

Бунинг натижасида ҳосил бўлган заррачалар ичида майда гранулалари кўпроқ бўлди. Ушбу хусусият бундай усулда олинган сурков композитлари рангли металллар ва таркибида углерод миқдори кам бўлган пўлат симларни чўзишда тавсия қилинади. Суюқланиш ҳарорати аввалги олинган намуналарга қараганда юқори бўлиши, симларни барабандан юқори тезликда ўтишда фойдаланиш мумкин.

Сурков композитни импорт маҳсулот билан сарф харажатлари. Бугунги вақтда бозор муносабатларига асосланган даврда барча ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга бозорнинг талаб ва таклифига қараб нарх ёки қиймат белгиланади.

3-жадвал

Олинган янги композитларни импорт маҳсулотлар билан

Сурков композитнинг асосий Параметрлари	Импорт намуна	Олин янги намуна
Гранулометриқ кўрсаткичи (%)		
0,9 ммдан юқори	8-10	5-10
0,25 - 0,9 мм	85-95	75-85
0,25 мм гача	15-25	15-25
Ёғлилик даражаси %	82-92% ±2	68-72% ±2
Эриш ҳарорати: °С	160-180	230-250
Намлиқ миқдори %	1,5 кам	1,5 кам

Шу жумладан биз таклиф этаётган сурков композитларининг тайёрланиш харажатлари калькуляцияни, солиштириш мумкин бўлган импорт маҳсулот Германия ҳамда Хитой компанияси томонидан таклиф этилаётган курук сурков композитлари баҳосини билган ҳолда ўзимиз шу патентларга таянган ҳолда тайёрлаган сурков композитини калькуляциясини тузилди.

1 кг натрий сульфатли сурков композицияси тайёрлаш учун кетадиган сарф харажатлар. Ушбу рўйхатда пўлат симларни чўзишда қўлланиладиган курук сурков композитлари тайёрлаш учун ҳом ашёнинг баҳоси (1кг учун сўмда келтирилган):

Тальк	5000	Бура	3000	Каолин	600
Na ₂ SO ₄	2200	Совун	6000	Натрий стеарат	5000

Ушбу маълумотларга таянган ҳолда 1кг сурков композитининг тайёр бўлиш суммаси ҳисобланади.

1 кг ушбу сурков композитининг тайёр бўлиш баҳоси 5730 сўмга тўғри келди. Адабиётлар ва интернетдаги биржа маълумотларига кўра, таклиф этилаётган қиймат ҳориждан олиб келинаётган курук сурков композити қийматидан 2 баробар арзонлиги кўрилди.

Курук сурков композити ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси

1кг кальций стеаратли сурков композицияси тайёрлаш учун кетадиган сарф харажатлар

4-жадвал

Натрий сульфатли композит тайёрлаш учун хомашёларнинг нархлари

Модда номи	1кг сурков композит учун қўшиладиган миқдори (г)	Суммаси
Тальк	80	400
Na ₂ SO ₄	140	560
Бура	10	300
Совун	720	4320
Каолин	50	150
Жами	1000	5730

Ушбу рўйхатда пўлат симларни чўзишда қўлланиладиган қуруқ сурков композитлари тайёрлаш учун хом ашёнинг баҳоси қуйидаги жадвалда (1кг учун сўмда келтирилган):

5-жадвал

Стереатли сурков композити тайёрлаш учун хомашёнинг баҳоси

Хомашё номи	1кг хомашёнинг нархи
Кальций стеарат	7000
Совун	6000
Тальк	5000
Охак кукуни	1000
Калий фторид	8400

Ушбу маълумотларга таянган ҳолда 1кг сурков композитининг тайёр бўлиш суммасини ҳисоблаймиз.

6-жадвал


1кг сурков композитини тайёрлаш учун хом ашёнинг баҳоси

Хом-ашё номи	1кг композит учун олинадиган массаси	Суммаси
Кальций стеарат	300	1100
Совун	20	120
Тальк	300	2500
Охак кукуни	300	300
Калий фторид	80	720
Умумийси	1000	4740

Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, 1кг ушбу сурков композициясининг тайёр бўлиш баҳоси 4740 сўмга тўғри келди. Адабиётлар ва интернетдаги биржа маълумотларига кўра бу нарх таклиф этилаётган тайёр маҳсулот нархларидан 2.5 баробар арзонлиги кўриш мумкин.

1кг темир ва рух оксиди тутган сурков композицияси тайёрлаш учун кетадиган сарф ҳаражатлар. Ушбу рўйхатда пўлат симларни чўзишда қўлланиладиган куруқ сурков композитлари тайёрлаш учун ҳом ашёнинг баҳоси б-жадвалда (1кг учун сўмда келтирилган).

Диссертациянинг “Маҳаллий хомашёлар асосида олинган сурков композитнинг физик-кимёвий таҳлили” деб номланган тўртинчи бобида, олинган янги сурков композитни ИК спектроскопия таҳлили, дифференциал сканерлаш калориметрик, ренген структур анализ таҳлили ҳамда СЭМ-ЭДС сканер таҳлиллари бўйича маълумотлар келтирилган. Металларни чўзиш учун ишлатиладиган куруқ сурков композитларнинг импорт, биринчи намуна ва янги технология асосида олинган композитларини ИК спектрфотометрик орқали физик-кимёвий таҳлил қилинди.




7-расм. Импорт ва янги маҳаллий композитларни ИК спектори

7-расмда Хитой давлатидан олинган ва янги композитни ИК спектрлари келтирилган бўлиб, стеарат кислота молекуласидаги $O=C-O$ валент тебранишлари $1558,48\text{ см}^{-1}$ ва 14468 см^{-1} соҳасида деформацион тебраниш соҳаларида кузатилди, $H-O$ - валент тебранишлари $2918,30\text{ см}^{-1}$, ва $2848,86\text{ см}^{-1}$ соҳасида деформацион тебраниш соҳаларида кузатилди. Таҳлил натижасига кўра импорт маҳсулот таркибида органик тўлдирувчилар кўплиги учун $2918,30\text{ см}^{-1}$, ва $2848,86\text{ см}^{-1}$ соҳасида ютилиш кўпроқ кузатилади.


Янги технология асосида олинган намуналарни дериватограммаси таҳлил қилинди (8-расм). Ушбу дериватограммадан кўриниб турибдики, Хитой импорт маҳсулот дериватограммасида ДТА эгри чизиғида битта экзотермик эффект 310°C да ва учта эндотермик эффектлар $98,9$, $127,6$ ва $244,6^{\circ}\text{C}$ кузатилди. Биринчи эндотермик эффект структура бузилишида стеарат таркибидаги сувнинг чиқиб кетиши ва стеаратни парчаланиши билан ифодаланади. $80-130^{\circ}\text{C}$ ҳарорат интервалида масса йўқотилиши $11,4\%$ га тенг. Иккинчи эндотермик эффект структура бузилишида стеарат тузларини парчаланиши кузатилади ва кальций ва натрий оксидлар ҳолида қолади. $130-$

250°C ҳарорат интервалида масса йўқотилиши 33,6% га тенг. Ушбу ҳарорат оралиғида органик тўлдирувчилар парчаланиш кузатилади ва эгри чизик 300-400°C оралиғида доимий бир хил бўлиши ноорганик тузларни борлигидан далолат беради



8-расм. Импорт ва янги маҳаллий композитларни дериватограммаси

. Барча намуналарни дериватограммаси устма-уст туширилганда композитлар масса камайиши 160°C дан 250°C ҳарорат оралиғида кузатилиши таркибидаги органик тузлар борлигидан далолат беради (9-расм). Импорт ва янги намуналари рентген таҳлили амалга оширилади ва рентген нури таъсирида таркибидаги ютилиш соҳаларини ўрганилди (10-расм). Хитой композити ютилиш соҳаси 4000 нм узунлигида 70 дақиқагача оралиғида органик моддалар сурков композитнинг юқори ҳароратга чидамлилиги кам бўлади. Лекин композитнинг таркибидаги стеаратларнинг миқдори кўп бўлади. Бунинг натижасида композит мойлаш хусусияти юқори бўлади. Бундай турдаги сурков композитдан паст тезликда сим чўзишда ёки таркибида углерод миқдори кам бўлган пўлат симларни чўзишда фойдаланиш мумкин.




9-расм. Барча намуналарни дериватограммаси

Рентгенограмма спектрлари орқали шуни кўриш мумкинки, сурков композитни таркибида темир оксидлари тайёрланган намуналарда фойдаланилган темир оксидлари миқдорда бўлади.


Импорт сурков композит таркибида каолин ва тальк миқдорини камлигини кузатилди. Бу эса сурков композитни дисперслигини камайтиради. Фойдаланиш жараёнида бу миқдор композитни ўзаро бирикиб қолишига олиб келади. Натижада сурков композитни адгезиялик хоссаси камаяди. 10-расмдаги рентгенограмма орқали сурков композит таркибида ноорганик тўлдирувчилар камлигини кўриш мумкин. Мойлаш хоссаси кучли, лекин юқори тезликда сим чўзиш машиналарида бу таркибдаги композитлардан фойдаланилса қолдиқ миқдори ортиб кетади.

Рентгенограммадаги спектр чизиқларидан кўриниб турибдики, намунада ноорганик тўлдирувчиларнинг миқдорини ортганлигини кўриш мумкин. Бундай турдаги сурков композитнинг юқори ҳароратга чидамли, адгезиялик хоссаси кучли, қайта ишлатиш ва ишлаш давомийлиги кўп, қолдиқ миқдори кам, мойлаш хоссага эга, чўзишдан кейин сим юзасида нуқсонлар ёқлиги билан тушунтириш мумкин.




10-расм. Импорт (Хитой) композитнинг рентгенограммаси

Ютилиш спектр чизиғи Хитой импорт маҳсулоти таркиб ва хоссалари билан фарқ қилади.



11-расм. Маҳаллий хомашёлар асосида олинган композитнинг рентгенограммаси

Маҳаллий хомашёлар асосида олинган қуруқ сурков композит рентгенограммалари ўрганилганда уларнинг аморф тузилишга эга эканлиги аниқланди. Шунингдек, қуруқ сурков композитларининг тегишли сканерлаш бурчагидаги интенсивликлари қийматини, импорт маҳсулотнинг иссиқбардошлилик ва қайта ишлатиш коэффициенти ҳам ортганлигини сабаларини таҳлил натижаларидан билиш мумкин мумкин. Бундан ташқари, сурков композитдан фойдаланиш жараёнида ҳосил бўладиган кўмирланиш маҳсулоти нисбатан камайганлиги кузатилди. Биринчи нуқта кремний сифатида аниқланиши мумкин. 2-бандда кремний ва алюминийнинг кичик чўққилари мавжуд. 3-бандда қизиқиш уйғотадиган учта элементдан (Al, Si, Ca) Si) энг кўп эканлигини кўрсатади, бу аввал таҳлил қилинган иккита нуқтадан фарқли табиатни тасдиқлайди. 3-нуқтада С ва О энг кўп аниқланган элементлардир, чунки заррача қолган иккита нуқтадан кичикроқ, шунинг учун сигналнинг бир қисми заррачанинг атрофидаги ҳудуддан ёки композит матрицасидан келади. Демак, таркибидаги Na стеарат миқдорлари кўплигини кўришимиз мумкин. Импорт ва янги композитлар СЭМ-ЭДС сканери орқали элемент таҳлил қилинди(10-расм). Таркибидаги Ca стеаратни миқдори 1- ва 2-намуналардан кўра кўпроқ бўлганлиги, сурков композитни пўлат сим юзасига ҳам адгезиялашни яхшилайти, ҳам композит таркибига қўшилган каолин ва тальк билан биргаликда композитни юқори ҳароратга чидамлилигини оширади. 1-нуқта кремний сифатида аниқланиши мумкин. 2-бандда кремний ва алюминийнинг кичик чўққилари мавжуд. 3-бандда учта элементдан (Al, Si, Ca) Si энг кўп эканлигини кўрсатади, бу аввал таҳлил қилинган иккита нуқтадан фарқли хоссани тасдиқлайди. 3-нуқтада С ва О энг кўп аниқланган элементлардир, чунки заррача қолган иккита нуқтадан кичикроқ, шунинг учун сигналнинг бир қисми заррачанинг атрофидаги ҳудуддан ёки композит матрицасидан келади. Демак, таркибидаги Na стеарат миқдорлари кўплигини кўришимиз мумкин.



12-расм. импорт ва чнги намунани СЭМ-ЭДС да сканер таҳлили

ХУЛОСА

1. Импорт (Хитой Халқ Республикаси) маҳсулоти асосида маҳаллий хомашёлардан пўлат симларни чўзиш учун куруқ сурков композити мақбул шароитлари ҳамда кимёвий таркиби аниқланди.

2. Композит таркибидаги натрий ва кальций стеарат тузларини металл юзасига таъсири ва фильерада ишқаланиш кучини камайтириш даражаларини аниқланди.

3. Маҳаллий хомашёлар асосида пўлат симларни чўзиш учун куруқ сурков композити таркиби ва олиниш технологияси ишлаб чиқилди.

4. Олинган янги куруқ сурков композитни таркиблари замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари орқали аниқланди.

5. Янги композит импорт қилаётган маҳсулотдан бир қатор устунликларга эгаллиги, яъни ҳароратга бардошлилиги 240°C дан 310°C гача, металл юзаларига композитнинг ёпишқоқлик даражаси (адгезия) 1,15% га юқорилиги ҳамда, пўлат симларни чўзиш сарфи ва хорижий давлатлардан келтириляётган сурков композитлар таннархидан арзонлиги, шунингдек, Хитой ва Россиядан келтириляётган композитларга нисбатан 2,5 баробар орзон эканлиги аниқланди.

6. Маҳаллий хомашё асосида яратилган янги композит “Давр металл” ва “Ором-Файз Металл” МЧЖларда ишлаб чиқариш синовлари дан ўтказилди ва янги маҳсулотларнинг тажриба партияси ишлаб чиқарилди, олиш жараёнининг асосий технологик меъёрлари ва катталиклари аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 03/30.12.2019.К/Т.66.02 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРО ФЕРГАНСКОМ
ПОЛИТЕХНИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

НАМАНГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АБДУЛҲАЕВ АБДУРАҲИМ БОТИРЖОН УГЛИ

**ПРОИЗВОДСТВА СУХОГО СМАЗОЧНОГО КОМПОЗИТА
НА ОСНОВЕ МЕСТНОГО СЫРЬЯ**

**02.00.13 - Технология неорганических веществ и материалов
на их основе**

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Фарғона – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2022.2.PhD/T2995.

Диссертационная работа выполнена в Наманганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета в информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу www.ziynet.uz

Научный руководитель:	Долиев Голибжон Алишерович кандидат химических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Алимов Умарбек Кадирбергенович доктор технических наук, старший научный сотрудник Ахмадалиев Мухаммаджон Ахмадалиевич доктор технических наук, доцент
Ведущая организация:	Навоийский государственный горно-технологический университет.

Защита состоится 11 август 2022 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.04.2021.T.106.04 при Ферганском политехническом институте по адресу: 150107, г. Фергана, ул. Ферганская, 86; Тел.: (+99873) 241-12-06; факс: (+99873) 241-12-06; e-mail: ferpi_info@edu.uz

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ферганского политехнического института за №_____, с которой можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре (150107, г. Фергана, ул. Ферганская, 86. Тел.: (+99873) 241-12-06; факс: (+99873) 241-12-06; e-mail: ferpi_info@edu.uz)

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2022 года
(реестр протокола рассылки №_____ от «_____» _____ 2022 года.

Хамдамова Ш.Ш.

Председатель Научного совета по присуждению
ученой степени, д.т.н., доцент.

Назирова Р.М.

Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученой степени, к.т.н., доцент

Р.Р.Тожиев

Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению ученой степени, д.т.н., доцент.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Удовлетворение растущих потребностей строительной индустрии в мире означает обеспечение строительной отрасли новой, качественной строительной продукцией. При этом, одним из главных факторов является дешевизна и качество строительной продукции. Металлам, которые составляют основную часть строительных материалов, важно придавать различные формы и размеры. Необходимо углубленно изучить состав стальных проволок и механические воздействия на их поверхность. При этом актуально использование сухих смазочных композитов для растягивания и обработки металлов. В связи с этим требуется создание сухих смазочных композитов для вытягивания металлов и разработка технологии его извлечения из местного сырья.

В мире проводится много научных исследований по производству сухого смазочного композита и технологии обработки металлов. В связи с этим, помимо оптимизации стеарата кальция и стеаратно-натриевой соли в композиционном составе при производстве сухого смазочного композита, особое внимание уделяется увеличению разнообразия продуктов-наполнителей, повышению стойкости композита к высоким температурам, получения композитов, позволяющих работать в различных условиях изучению физико-химических свойств сухого смазочного композита, а также испытаниям в металлургической промышленности.

В нашей стране достигнуты определенные научные и практические результаты по разработке технологии производства сухого смазочного композита из местного сырья, используемого при растягивании стальных проволок. Третье направление «Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» определяет важные задачи, направленные на «...производство готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на основе глубокой переработки высокотехнологичных производств, прежде всего местного сырья»¹.

В связи с этим важное значение имеет разработка и получение смазочного композита для переработки стальных проволок качественного и недорогого, с использованием местного сырья, замещающий импортные компоненты.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению указанных задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» и в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан» и ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах».

привлекательности химической промышленности», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

